АБИТУРИЕНТ-99

# БИЛИМ — ЯГОНА МЕЗОН

***Республикамиз мактабларида навбатдаги ўқув йили тугади. Уларни турли йўллар кутмоқда, лекин кўпчилиги олий ўқув юртларида таълимни давом эттиришга аҳд қилган. Ҳозир эса олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўришмоқда. Бу йил тест синовлари қандай бўлади, ўтган йиллардагидан қандай фарқ қилади? ЎзА мухбири шу саволларга жавоб беришни давлат тест маркази директори Муҳсинжон Мўминович МУҲИТДИНОВдан илтимос қилди.***

— Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунки мамлакатнинг келажаги эртага бизнинг ўрнимизга қандай мутахассислар келишига боғлиқ. Президентимиз Ислом Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, ислоҳотлар тақдири ва уларнинг натижалари, аввало, одамларнинг билим даражаси давр ва тараққиёт талабларига қанчалик мос келишига боғлиқ. Шу боисдан, республикамиз раҳбарияти таълим тизимини ислоҳ қилишга жуда катта эътибор бермоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамма ерда амалга оширилмоқда. Ўқув жараёнининг ўзигагина эмас, ёшлар олий ўқув юртига кириш учун оладиган базавий билимлари даражасига ҳам муносабат ўзгарди.

**— Ўтган ёзда тестни тузиш чоғида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 60 мингдан ортиқ тест билимлари банкидан фойдаланилди, улар 1996 йилдан буён тўпланган. Бу йил абитурентларни нималар кутмоқда?**

— Бу банк яна 20 мингтага кўпайди, шпаргалкадан фойдаланишга ёки тайёр жавобларни ёдлаб олишга имкон бермайдиган янада мураккаб билимлар билан тўлдирилди. Топшириқларни бажаришда муваффақият ўқувчиларнинг билиш фаолиятига, уларда мантиқий тафаккурнинг қанчалик ривожланганига боғлиқ. Жавобларнинг вариантлари компьютер ёрдамида тўпланади. Шу сабабли ташқаридан ҳар қандай аралашувга хотима берилади. Бундай катта фонд олий ўқув юртларига кирувчиларнинг билимларини бутун фан бўйича, шунингдек, унинг айрим бўлимлари бўйича ҳар томонлама, чуқур ва тўғри баҳолашга имкон беради.

Олий ўқув юртларига қабул уларга кирувчи барча ёшлар учун тенг ҳуқуқлилик асосида ва ягона қоидалар бўйича амалга оширилишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Айни пайтда энг юқори балл олганлар давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилинади. Қолган абитурентлар олган балларига қараб, пуллик битим асосида белгиланган жойга қараб қабул қилинади.

**—Тестларни ким ишлаб чиқади?**

—Тест топшириқларини тузиш ва уларга баҳо беришга тажрибали педагоглар ва Фанлар академияси институтларининг етакчи олимлари жалб қилинган. Бу ишни рағбатлантириш учун "Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи" танлови ўтказилмоқда. Хорижий тиллар бўйича топшириқларга хорижий мутахассислар тақриз беришди.

Тест топшириқлари республикамизнинг турли ўқув юртларида синаб кўрилиб, материал кейинчалик статистик жиҳатдан ишлаб чиқилгани ва тегишли ўзгартишлар киритилгани уларнинг сифатини оширишга ёрдам берди. Топшириқлар сифат кўрсаткичларини, уларнинг ишончлилигини, мураккаблик даражасини ҳисоблайдиган махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилган.

Маълумки, тест топшириқлари "Ахборотнома", "Хабарнома" журналларида эълон қилинади. Бу эса, педагоглар жамоатчилиги орасида кенг муҳокама қилишга имкон берадики, бу ҳам қўшимча текширишдир.

Дарвоқе, республикамизда МДҲ мамлакатларида биринчи бўлиб, бундай илмий-методик журналларнинг нашр этилиши умумий таълим мактаблари юқори синфлари ўқувчиларини ва битирувчиларини собитқадамлик билан, қўшимча равишда тест синовларига тайёрлаш анъанасини вужудга келтирди. Тест синовлари якунларини 1996 йилдан бошлаб таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар дастурдаги материалларни ўзлаштиришида бу журнал катта аҳамиятга эга бўлди. Эълон қилинган топшириқлар билан мунтазам ишлаш билимлар даражасини оширишга, бинобарин, балларни оширишга ёрдам бермоқда. Давлат тест маркази бир неча йилдан буён республикамизнинг барча мактабларида халқ таълими ходимлари билан биргаликда тест синовини ўтказишни машқ қилишмоқда, бундай машқларда мактабларни битирувчилар бўлажак тадбирга доир малакали маслаҳат оладилар. Олинган баллар уларга у ёки бу мутахассисликни эгаллаш учун ўқишга киришга ўзининг тайёргарлик даражасини баҳолашга ёрдам беради.

**— Марказингиз ҳар йили "Тест синови якунлари" деб аталган катта, жуда батафсил таҳлилий материални эълон қилади. Бундай маълумотларни умумлаштириш қандай наф келтиради?**

— Бу китоблар ҳозирги вақтда республикамизда таълим соҳасида юз бераётган барча жараёнлар тўғрисидаги ахборотнинг ҳақиқий хазинасидир. Тест синовларининг кўп вариантли тизими ёшларимизнинг энг қобилиятли қисмини адолатли танлаб олишни таъминлабгина қолмади, айни пайтда таълим тизимининг самарадорлиги ва ислоҳотларнинг қанчалик амалга оширилганлиги тўғрисида катта ҳажмдаги ахборот олишга ноёб имконият яратди. Шундай қилиб, ўқувчилар билимини аниқлаш учун ҳозир қўлланилаётган кўп вариантли тест усули республика бутун таълим мажмуининг мониторинги базасига айланмоқда. У таълим мазмуни ва методларини такомиллаштиришнинг аниқ йўлларини кўрсатиб бермоқда.

Ўтган йилги тест синовлари якунлари таҳлилида бу соҳадаги асосий тамойиллар ва устуворликлар келтирилган. Энг аввало абитуриентлар сонининг ўсиши тамойили кўзга ташланмоқда, бу ёшларимизнинг профессионал билим олишга интилаётганидан далолат беради. Қишлоқ мактабларидан келган абитуриентлар сони ҳам кўпайгани қувончлидир. 1998 йилда улар шаҳарлик абитуриентларга нисбатан 2,5 баравар кўп бўлди.

Таълимнинг барча йўналишлари бўйича танлов кўпаймоқда, ўтиш балининг ортиши кўзга ташланмоқда. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ёшларимиз ислоҳотлар жадаллик билан амалга оширилаётган тармоқларда билим олишга интилаётганини кўрсатди. Мактаб битирувчиларини биринчи навбатда иқтисодиёт, халқаро муносабатлар, юридик фанлар, замонавий технологиялар, дастур билан бошқариш, хорижий тиллар қизиқтирмоқда.

Таълим соҳасида ислоҳотларнинг боришини кузатишда асосий бўғинлардан бири — ўрта мактабларни битирувчиларнинг тайёргарлиги сифати даражасидир. Тест синовларининг кўп вариантли тизими бу тайёргарлик сифати даражасини аниқлашга имкон беради. У фақат айрим фанлар бўйича эмас, унинг аниқ бўлимлари бўйича ҳам таълим бериш самарадорлигини холис аниқлаш имконини беради. Китобда келтирилган жавоблар самарадорлиги спектрограммасига қараб, шаҳарлар ва қишлоқлардаги, турли туманлар ва вилоятлардаги битирувчилар билимлари даражасини баҳолаш мумкин. Бу фанларнинг бўлимлари бўйича кўп минг кишилик абитурентлар билимининг ўзига хос кардиограммаси бўлиб, таълим бериш мазмуни ва методларининг ички нуқсонларини очишга имкон беради.

Таҳлиллар натижаларини умумлаштириш кўпгина фанлар бўйича давр талабларига жавоб берадиган дарсликлар ҳанузгача йўқлигини кўрсатмоқда. Яна бир хулоса шуки, мустақил фикрлашга мўлжалланган топшириқларнинг бажарилишини таҳлил этиш унинг даражаси ҳали пастлигидан далолат бермоқда. Чамаси, педагоглар ўқув жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишига кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Афсуски, педагогларимизда ўз билимини ошириш одати йўқлиги ҳам маълум бўлди. Мисол учун олганда, тест синовлари чоғида олдинги йилларда аниқланган ўқув жараёнининг характерли нуқсонларини ва ўқувчилар қилган хатоларини ўқитувчилар тўла ҳисобга олишмаяпти. Шу муносабат билан, менимча, умумий таълим мактаблари педагогларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Таълим андозаларини, замонавий ўқув дарсликларини, энг янги педагогик технологияларини жорий этиш ҳам жуда секинлик билан бормоқда.

Марказимиз тўпланган ва таҳлил этилган барча маълумотларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Халқ таълими вазирлигига топширади. Бундан ташқари, мутахассисларимиз вилоятларда айрим мавзуларга бағишланган учрашувлар ўтказиб, уларнинг иштирокчиларини минтақадаги таълим тизимининг ҳолатидан хабардор қилишмоқда. Лекин марказимиз бу соҳадаги ишларни яхшилашга чинакам таъсир ўтказиши учун унинг ахборот тўплаш фаолияти етарли эмас. Шу боис 1998 йил март ойида Вазирлар Маҳкамаси марказ таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини, педагог кадрларни аттестациядан ўтказишни ва таълим муассасаларини назорат қилиш бошқармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ишлаб чиқилди, бундай аттестацияни ўтказиш билан янги бошқарма шуғулланмоқда.

**— Муҳсинжон Мўминович, АҚШ тест синови хизматининг таклифига биноан яқинда Америкада бўлдингиз. Сафар натижалари асосида Американинг мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, мазкур жараёнда назорат қилиш билан шуғулланадиган бир қанча йирик марказлари билан ҳамкорлик тўғрисида дастлабки шартномалар тузилди. Ўзбекистон давлат тест марказининг бундай алоқа ўрнатишга қизиқишининг сабаби нимада?**

— Ҳақиқатан ҳам, сафар анча самарали бўлди. Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши (АКСЕЛС), коллежлар кенгаши, Халқаро таълим сифатини таъминлаш маркази, Бинхемтон университети ва, албатта, тест хизмати раҳбарлари билан амалий учрашувлар бўлди. Улар ўз ташкилотларининг фаолиятлари ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. Мен ҳам америкалик касбдошларимни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан таништирдим. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қандай амалга оширилаётганига катта қизиқиш билан қарашди.

АҚШга сафардан олдин биз "1998 йилги тест синовлари якунлари" китобини инглиз тилига таржима қилдик. Ким билан учрашмайлик, ҳаммаси бу китобда баён қилинган материаллар билан танишиб чиққач, республикамизда ишлаб чиқилган тест синовлари кўп вариантли тизимининг ноёблиги ҳақида гапирдилар. Бу тизим таълимнинг аҳволини ҳамда барча фанлар ва уларнинг бўлимлари бўйича таълим самарадорлигини, умуман республика бўйича, шунингдек, ҳар бир шаҳар, туман, ҳар бир мактаб бўйича яққол кўриш имконини беради.

Ўзбекистон таълим тизимини мислсиз ислоҳ қила бошлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш фақат кўп моддий сарф-харажатларни талаб қилиб қолмайди. Самарадорликни ошириш учун у ёки бу янгиликни жорий этиш самарасига берилган ҳақиқий баҳо бўлиши керак, агар бу янгилик таъсирчан бўлмаса — аниқ сабабларини билиш лозим. Бундай назорат имконияти кўп вариантли тест тизимини жорий этгандан кейингина пайдо бўлди.

Мен ҳамкорлигимиз давом этади, деб умид қиламан. Бу ҳамкорлик фойдали бўлади, чунки, Америка таълим тизими дунёда энг яхши тизимлардан бири ҳисобланади. Принстонда жойлашган АҚШ тест хизмати раҳбарияти билан компьютер тест синовлари янги технологиясини яратиш соҳасида ҳамкорлик қилиш йўлларини муҳокама қилдик. Шунингдек, мутахассисларни айирбош қилиш тўғрисида гаплашдик. Яқинда шу хизмат вице-президенти Жон Йоппдан мактуб олдим. У амалий алоқаларни кенгайтириш хусусида аниқ таклифлар киритишни илтимос қилган.

Пировардида, таълимни давом эттириш учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришга аҳд қилганларга мурожаат қилмоқчиман. Билимларингиз мустаҳкамлиги ва чуқурлиги, материалларни ўрганишни идроклаш — олдингизда турган мақсадга эришишда ягона ишончли ёрдамчингиздир. Тест синовларигача қолган кунларда сиз имтиҳон топширадиган фанлар бўйича журналларимизда эълон қилинган тестларга яна бир карра мурожаат қилинг.

**Суҳбатдош Анна ИВАНОВА.**

**Теннис: «Тошкент опен»**

# КОРТГА КУЧЛИЛАР ЧАҚИРИЛСИН



Республикамиздаги барча теннис ишқибозлари ва мутахассисларининг диққат эътибори ҳозирда пойтахтимиздаги «Динамо» кортларига қаратилган. Бу ерда олти кундирки, муросасиз баҳслар ила давом этаётган «Тошкент опен» халқаро турнирининг якуний босқичи бошланди. Бугун кортларга энг кучлилар — ярим финалчилар таклиф этилади.

Куни кеча эса, турнир иштирокчилари навбатдаги босқич ўйинларини ўтказишди. Айниқса, италиялик Серра-Занетти Адрианна ҳамда Ралука Санду (Руминия) ўртасида кечган учрашув кескин курашлар остида ўтди. Дастлабки сетда руминиялик теннисчининг қўли баланд келди — 6:4. Ундан фарқли ўлароқ, иккинчи сетда рақиблар очколар ҳисоби бўйича деярли кетма-кет боришди ва пировардида Серра-Занетти ғолиб чиқди. Ҳал қилувчи сетда эса 6:4 ҳисобида яна Санду зафар қучди.

Шунингдек, исроиллик Анна Смашнова Кежико Нагатоми (Япония)ни икки сетда (6:2, 6:0) мағлубиятга учратди. Яна бир қизиқарли учрашувда Россиянинг икки вакили — Елена Дементиева ва Татьяна Пановалар беллашишди. Олдин башорат қилинганидек, ушбу баҳсда Т. Панова икки сетда (6:3, 6:0) ғалабага эришди.

Мусобақалар эртага ўз ниҳоясига етади.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Д. МИХАЙЛОВ олган сурат.**

# ЁШ МУСИҚАЧИЛАР КЎРИГИ

Тошкентдаги 22-мусиқа мактабида ўқув йилининг охирида, анъанага кўра, якунловчи концерт ташкил этилди.

— Аслида, мазкур концертни бу ерда таълим олаётган ёш мусиқачиларнинг кўриги десак, асло янглишмаймиз, — дейди мактаб директори, бастакор Норқул Ризаев. — Чунки унда ўқувчилар ўзларининг нималарга қодир эканликларини нафақат ўқитувчилар ва мактабдошлари, балки ота-оналари олдида ҳам намойиш қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу концертда ёш хонанда-ю созандалар, шунингдек, дуторчилар, раққосалар, чангчилар ва доирачилар ансамбллари ўз маҳоратларини кўрикдан ўтказишди. Бу ерда ҳозир бўлганлар мактабда бўлғувси санъаткорлар улғаяётганларига ишонч ҳосил қилдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## Шифокорлар ҳақида ҳикоялар

# ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ ЙИГИТ

У ишдан ҳориб-чарчаб қайтади. Кечки таомни ейди-ю, уч нафар фарзанди билан қизиқарли суҳбатга киришади. Жуфти ҳалоли Гулчеҳрага ишда бўлиб ўтган гапларни бир-бир баён этади.

— Бугун кун жуда оғир бўлди.

— Оғир касал келдими, яна?

— Ҳа, Тол қишлоғидан бир йигит. Ҳали 30 дан ошмаган, касали оғир, юрак хуружи. Зўрға олиб қолдик, — дейди Йўлдош уфф тортиб. Сўнг дастурхон ёнида мудрай бошлайди. Вақт алламаҳал бўлганида телефон жиринглаб қолди. Гулчеҳра тезгина гўшакни кўтариб қулоғига тутди:

— Ҳа, уйдалар, нима эди? Дам олаяптилар. Нима? Ким дедингиз? Ҳа-а ... Ҳозир... Рашид ака оғир бўлиб қолганмиш, — дейди уй бекаси эрини уйғотиб.

— Нима? Рашид аками? — уйқудан турган Йўлдош ака зудлик билан гўшакни қулоғига тутди. — Бўпти, ҳозир етиб бораман!

Эшик ёнида «Тез ёрдам» машинаси кутиб турарди.

Дарҳақиқат, Рашид аканинг аҳволи оғир эди. Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида гуриллаб ишлаб юрган бу одам, ҳозир тўшакка михланиб ётади. Ёшлари бир жойга борган, албатта. Аммо гап фақат ёшдамас. Раҳбар шахснинг ташвишлари ҳам катта бўлади. Эл-юрт юкини елкага олиб юриш учун тоғдай елка, метин ирода, бақувват қалб керак. Рашид ака шундай инсонлардан.

Ўша кунлари Йўлдош ҳаловат билмади. 20 кунга қадар хасталик билан олишди. Ниҳоят, ўз касбининг билимдони ва моҳири оғир дардни ҳайдади. Ўйлайманки, бемор Рашид ака учун дунёда Йўлдош дўхтирдан мўътабарроқ киши бўлмаса керак...

Шифокорнинг ҳаёти шундай кечмоқда. Олийгоҳни битирибдики, Қамаши туман марказий шифохонасининг юрак касалликлари бўлимида меҳнат қилади. У дастлаб оддий врач эди, ҳозир эса бўлим мудири. Қўл остида ўз касбининг фидойиларидан бири Эшнор ака Алимов ҳам бор. Йўлдош Кўчқоров Эшнор акани ўзининг устози деб билади. Устоз-шогирд ҳамкорликда бўлимнинг ишини намунали йўлга қўйганлар. Бўлим сўнгги йилларда бир қатор замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Касаллар физиотерапия, иглотерапея ва шунга ўхшаш йўллар билан ҳам муолажа қилинмоқда.

Йиллар берган тажриба, кишиларнинг ишонч ва ҳурмати шифокорга қанот бўлмоқда. Бўлимнинг истак ва шикоят дафтарини варақлаймиз. «Йўлдошжон билан Эшнор акалардай шифокорлар борлиги туман аҳолисининг бахти», — деб ёзибди олти нафар фарзанднинг онаси Ойсултон Содиқова.

«Юрак пороги билан оғриганман. Йўлдош билан Эшнор акалар мени неча марта ўлим ёқасидан қайтарди. Умрлари узоқ бўлсин» — деб шарҳи ҳол қилибди 2-гуруҳ ногирони Хурсанд Бойматова. «Йўлдош — қадами қутлуғ йигит» — деган сўзларни битибди Бердиқобил Дўстов. Дафтарда яна юзлаб қамашиликлар бу икки шифокор ҳақида меҳр-ифтихор билан изҳори дил этишган...

Шифокорлар меҳнатига бундан ортиқ таъриф бўлмаса керак. Ҳар бир шифокорга элнинг шундай эҳтироми ҳамнафас бўлсин.

**Азиза ҚОРАБОЕВА.**



*Парда ичра юзингизда*
*нур ёнадир,*
*Келинликнинг тахти*
*асли ягонадир.*
*Сепинг ёйдинг, баҳо бердим:*
*энг суюги —*
*Ибо сизга ҳақдан*
*келган тўёнадир.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.**

ЎЗБЕК — ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

"ТОШКОЧАВТО"

тадбиркорлар, бизнесменлар, йирик корхоналар ва кичик фирмаларни, хуллас, юқори классли автотехника зарур бўлган барча-барчани

ЎРТАЧА ЮК КЎТАРАДИГАН ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛЛАРНИ

- «ЎзОтойўл-Ивеко» 35.9 (тент, дизель двигателли, юк кўтариш ҳажми 2 тонна) баҳоси $ 28950.
- «ЎзОтойўл-Ивеко» 65.9 (тент, дизель двигателли, юк кўтариш ҳажми 4 тонна) баҳоси $ 30500.
- «ЎзОтойўл-Ивеко» 80.12 (тент, дизель двигателли, юк кўтариш ҳажми 5 тонна) баҳоси $ 34500.

харид қилишда иштирок этишни таклиф этади.

Тўлов Ўзбекистон Республикаси курси бўйича сўмларда.
Тўлов шакли ихтиёрий.

Биз таклиф қилаётган автомобиллар тежамкорлиги, қулайлик ва экологик хавфсизлиги бўйича энг юқори талабларга жавоб беради.

Барча моделлар Ўзбекистон шароитига мослашган. «Тошкочавто» қўшма корхонаси автомобилларни сотишга олдиндан тайёрлаш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Сотиладиган барча машиналарга сервис хизмати кўрсатишни кафолатлайди.



«ТОШКОЧАВТО» ДУНЁГА МАШҲУР ЗАМОНАВИЙ ЮК МАШИНАЛАРИДИР!
ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ, МИННАТДОР БЎЛАСИЗ!

Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек мавзеси, 47.
Тел.: 549927, 546390, 546997.
Факс : 1206361.

11@1597

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456. 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 00.50 1 2 3 4 5 6